O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 17 февраль, чоршанба • № 14 (11.097) • Эркин нархда сотилади

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

16 февраль куни Олий Мажлис биносида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар самараси ва 1999 йилда иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар ҳамда идораларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди.

Ўтган йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оила манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича қабул қилинган дастурларнинг ва ҳукумат қарорларининг амалга оширилиши макроиқтисодий ва молиявий соҳадаги ижобий силжишларни мустаҳкамлаш имконини берди, деди жумладан Ислом Каримов. 1998 йилда мамлакатда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 104,4 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида 4, саноатда 5,8 фоиз ўсишга эришилди. Қурилиш, банк, соғлиқни сақлаш соҳаларида бозор ислоҳотлари жараёнлари чуқурлашмоқда.

Иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар ҳажми ҳам анча кўпайди. Ўтган йили қарийб 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси ўзлаштирилди. Бу 1997 йилдагига нисбатан 22,6 фоиз кўпдир.

Аммо, кўрилган чора-тадбирларга қарамай, бир қанча тармоқлар ва корхоналарда, жумладан, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, «Ўзбек ипаги» уюшмаси тизимида молиявий аҳвол барқарорлигига эришилмади. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони жуда секинлик билан камаяпти. Ўтган йилда аҳоли ва корхоналарнинг бўш маблағларини хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш масаласи тўла ҳал этилмади. Кичик ва ўрта бизнесни, шахсий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни тубдан яхшилаш зарур.

Эндиги вазифа эришилган ютуқларимизни бой бериб қўймаслик. Ислоҳотлар ўсиш, ривожланиш жараёнининг янада изчил ва муқаррар тус олишига, халқимиз турмуши яна ҳам фаровонлашишига хизмат қилиши лозим.

Йиғилишда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ва Бош вазирнинг ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

ИСРОИЛ ТАЖРИБАСИ ЧИНОЗДА

БУ йил Чиноз туманидаги Турсунбой Эрназаров номидаги жамоа хўжалигида исроилча усулда — томчилаб суғориш асосида пахта етиштиришга киришилгани деҳқонларда катта қизиқиш ва умид уйғотмоқда.

Бунинг учун хўжаликнинг биринчи бригадасидан 100 гектар ер танлаб олинди. Исроиллик мутахассислар ҳар бир ишни бошиданоқ пухта қилмоқдалар. Аввало, бригадага бориладиган барча йўллар асфальтланиб, таъмирланди. Керакли техникалар сафарбар этилиб, 100 гектар ер обдон текисланди. Томчилатиб суғориш учун кетадиган сувни ортиқча исроф қилмаслик мақсадида сув лотоклари ўрнатилди.

Маълумки, Исроилнинг жуғрофий ва тупроқ шароити Ўзбекистонникидан кескин фарқ қилади. Сув таъминоти ҳам биздагидақа эмас. Тўғрироғи, уларда экинни парвариш қилиш ва мўл ҳосил олиш учун табиий шароит анча оғир. Лекин шунга қарамай, исроилликлар ҳар йили пахтадан бизга нисбатан қарийб уч баравар зиёд ҳосил етиштиришга эришмоқдалар. Шу нуқтаи назардан қараганда ҳамда янги усулни қўллаш учун зарур бўладиган барча техника ва технология Исроилдан келтирилишини ҳисобга оладиган бўлсак, 100 гектар ерда ўтказиладиган тажриба кутилаётган натижани беришига ишониш мумкин.

А.ЙЎЛДОШЕВ.

Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ХАЛҚАРО МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

МАДАНИЯТ ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси номига Мексикадан — халқаро маркетинг ва сифат ассоциацияси Президенти Лик Мануэл Виллагомес Кортина номидан хушхабар келди.

Унда мамлакатимизнинг икки ижодий жамоаси — Алишер Навоий номидаги опера ва балет Катта театри ҳамда республика Қўғирчоқ театри жаҳоннинг энг нуфузли мукофотларидан бири «1999 йилги халқаро олтин ва кумуш сифат мукофоти»га муносиб деб топилгани маълум қилинган. Иккала театр жамоаси сўнгги йилларда мамлакатимизда ва хорижий сафарларда эришган ижодий муваффақиятлари учун шу мукофотга сазовор бўлган.

Мукофотни топшириш маросими шу йил 20 март куни Мехико шаҳридаги Кровн Плаза меҳмонхонасида ўтказилади.

(ЎзА).

ТЎЙ ЛИБОСЛАРИ МИЛЛИЙ БЎЛАДИ

ҚАТОР сермазмун тадбирлар ўтказиб келаётган Зангиота тумани хотин-қизлар қўмитаси бу сафар ҳам ота-оналар, ёшларнинг яна бир бор эътиборини қозонди.

Туман ҳокимлигининг муҳташам биносида ўтказилган «Тўй миллий либослари кўриги»га шу мавзуда маҳаллаларда уюштирилган танловларнинг 13 нафар ғолиб чеварлари тўпландилар.

Улар бу ерга йиғилганлар «ҳукми»га ўзлари тиккан, келин-куёвлар ва тўйболалар тўй куни киядиган ўзбекона кийимларини ҳавола этдилар.

Кўрикда Қатортол қишлоғида истиқомат қилувчи қўли гул чевар Матлуба Юсупова тайёрлаган кийим-кечаклар биринчи ўринга сазовор бўлди. Ҳаўйат аъзолари, айниқса, унинг келин учун атласдан ва оппоқ крепдешиндан тиккан миллий либосларига юқори баҳо бердилар. Бу кийимлар ўта кўркамлиги ва арзонга тушишини алоҳида таъкидладилар.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ҚАЛБЛАРГА МЕҲРНИ ЖО ЭТИБ

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ келажаги мустақил фикрлайдиган, тафаккури бой, миллий ғурури юксак ёшларники. Шу боисдан Янгийўл шаҳридаги мактаблар, ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчилар, талабалар билан маънавиятга оид мулоқотлар тез-тез ўтказилмоқда.

Яқинда ана шундай суҳбатлардан бири технология коллежида уюштирилди. Республика «Оила» илмий-амалий марказининг вилоят бўлими томонидан ташкил этилган бу давра мавзуси «Меҳр қолур» деб аталди. Ана шу гурунгда республика маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази раиси ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Турсуной Содиқова коллеж жамоаси билан мулоқотда бўлди.

Зулхумор ЖЎРАЕВА.

ХОРИЖДАНМАС, ЧИРЧИҚДАН

ЧИРЧИҚ трансформатор ҳиссадорлик жамияти жамоаси бозор талабини ҳисобга олиб, энергетика соҳасида фойдаланиладиган янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда.

Яқинда корхонада катта қувватга эга бўлган трансформаторнинг дастлабки туркуми йиғилди. 40 минг киловольтамперли бу мураккаб машина нурхоналар учун мўлжалланган. Шу вақтгача у хорижий мамлакатлардан валюта сарфлаб келтириларди.

Янги машинанинг биринчиси Сурхондарё вилоятида қад кўтараётган Тўпалон сув электр станциясига юборилади. Йил давомида ўнлаб шундай маҳсулотларни тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб бериш режалаштирилди.

Собир ҲАМИДОВ.

ШАҲАР ОБОДОНЛАШМОҚДА

ЯНГИЙЎЛ шаҳрида Наврўзга тайёргарлик кўриш, атроф-муҳитнинг тозалигини сақлаш мақсадида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Ҳозир шаҳарда тозалик ва ободончилик ойлиги давом этмоқда. 15 мартгача бўладиган мазкур тадбирда шанбаликлар, халқ ҳашарлари, ободончилик ишлари кенг миқёсда уюштирилмоқда. Бу муҳим ойликда барча жамоалар, айниқса, «Мустақиллик», «Саида», «Мезон» маҳаллаларининг аҳолиси фаол иштирок этмоқда.

Зуҳра ҲАЙДАРОВА.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

ҲАР БАЙРАМНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

НАВРЎЗ... У ҳар йили келади. Ҳар йили уни катта шоду-хуррамлик билан нишонлаймиз. Лекин ҳар йилги байрамнинг ўз ўрни бўлади. У ҳаётимизда ўзига хос из қолдиради, ўзига хос янгиликлар олиб келади. Вилоятимиз меҳнаткашлари 1999 йил Наврўз айёмига ҳам ана шундай янгича тайёргарлик кўрмоқдалар.

Кеча вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилишида айнан шу ҳақда гап борди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимларининг муовинлари, ташкилий қўмита аъзолари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи муовини, ташкилий қўмита раиси Ҳамидулла Асатов бошқарди.

Наврўз умумхалқ байрами. Шундай экан, бу айём вилоятимиздаги ҳар бир корхона, ташкилот, қишлоқ, қўрғон, маҳалла ва ҳонадонга кириб бориши керак. Ҳар бир киши ундан баҳраманд бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам гап биринчи навбатда Наврўз айёмини барча шаҳар ва туманларда маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ва ўзига мос ўтказиш тўғрисида борди.

Ушбу байрамнинг ўзига хос хусусиятлари кўп. Булардан яна бири деҳқончиликнинг бошланиши, кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларининг авж олишидир. Ҳозирнинг ўзидаёқ байрамга қизғин тайёргарликни бошлаб юборган бир қатор шаҳар ва туманларда ободонлаштириш, тозалик ойлари ўтказилмоқда. Эрта-индин мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ҳам ўтказила бошланади. Йиғилишда байрамни ўтказиш билан боғлиқ бу ва бошқа тадбир, режаларнинг бажарилишини таъминлашга асосий эътибор қаратилиши алоҳида таъкидланди.

Албатта, байрам санъаткорларнинг иштирокисиз ўтмайди. Айниқса, мамлакатимизнинг бош майдонида ўтказиладиган Наврўз тантаналарида иштирок этадиган вилоятимиз санъат аҳлининг намунали чиқишини таъминлаш катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, йиғилишда байрам муносабати билан жойларда халқ ҳунармандчилиги кўргазмаларини ташкил этиш, савдо ва ярмаркаларни ўтказиш, меҳрибонлик уйлари, кам таъминланган оилалар, қария ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олишдек саҳоватли ишларни амалга ошириш юзасидан ҳам фикр билдирилди.

Наврўз бунёдкорлик байрами ҳамдир. Ҳар йилгидек бу йил ҳам шаҳар ва туманларда бир қатор янги бинолар, мактаб, боғча, гузар, савдо дўконлари ва хизмат кўрсатиш муассасаларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Тегишли ҳокимликлар ва муассасаларга бу қурилишларни ўз муддатида сифатли якунлаш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда вилоят маданият ишлари бошқармаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят ҳунармандлар уюшмаси, «Вилоятсавдо» компанияси, вилоят матлуботсавдо ҳиссадорлик уюшмаси, Оҳангарон шаҳри ва бошқа бир қатор идоралар ва ҳокимликлар раҳбарларининг Наврўзга тайёргарлик юзасидан ахборотлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

ШУ йилнинг 13 февраль куни вилоят ҳокимлигида фавқулодда эпидемияга қарши кураш вилоят комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, ички ишлар ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Йиғилишда вилоятдаги эпидемиологик вазият атрофлича таҳлил этилди. Кун тартибидаги: «Вилоятда грипп, вабо, ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари, безгак тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирлари», «СПИД, тери-таносил касалликлари ва уларнинг олдини олиш тадбирлари ҳақида»ги масалалар юзасидан вилоят санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори Рауф Қосимов ҳамда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдувоҳид Содиқовнинг ахборотлари тингланди.

Таҳлилдан шу нарса маълум бўлдики, вилоятимизда бу борадаги аҳвол умуман барқарор бўлса-да, айрим ҳудудларда юқумли касалликлар ҳамон учрамоқда. Хусусан, баъзи шаҳар ва туманларда гриппга чалиниш ҳоллари мавжуд. Тўғри, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг изчил назоратлари, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, жойлардаги санитария ишлари бироз яхшиланиши туфайли ўткир ошқозон-ичак касалликлари ўтган йилдагидан маълум даражада камайди. Аммо Чиноз, Оҳангарон, Ўртачирчиқ, Паркент, Зангиота, Тошкент туманларида бу дард ҳуружи аввалги йиллардагига нисбатан кучайганлигини маълумотлар кўрсатиб турипти. Бу мазкур ҳудудларда тозаликка, санитария-гигиена тартиб-қоидаларига риоя этилмаётгани оқибатидир.

Ана шу жойларда сув иншоотларини тозалаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга етарли аҳамият берилмаяпти. Аҳвол шу тарзда давом этаверса кишилар ҳаётини оғир оқибатларга олиб келувчи ҳолатлар юз бериши ҳам мумкин. Шундай хавфга йўл қўймаслик борасида қилинган амалий ишлар хусусида ҳам гапириб ўтилди. Айни пайтда ҳар бир шаҳар ва туманда озодаликни сақлаш, аҳолат, чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш, зараркунандаларга қарши курашни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Вилоятда тери-таносил касалликларининг олдини олиш юзасидан ҳам қатъий чора-тадбирлар кўриш кераклиги айтилди. Чунки, сўнгги пайтда айрим ҳудудларда зоҳм, сўзак сингари юқумли касалликларга чалинишлар кўпаймоқда.

Йиғилишда тиббий ёрдам кўрсатиш савиясини яхшилаш, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари ўтказиш, мактабгача тарбия муассасалари, жамоат жойлари, корхона, ташкилот, маҳалла, қишлоқларда эпидемиологик ҳолатни бартараф этиш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, вилоят сув оқава корхоналари, коммунал хизмат тизимидаги камчиликларни қисқа муддатларда тугатиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда вилоят фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди.

Йиғилишда республика бош давлат санитария врачи, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Бахтиёр Ниёзматов сўзга чиқди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИДАН

16 февраль куни Тошкент шаҳрида одамлар қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракати содир этилди. Натижада 13 киши ҳалок бўлди, 128 нафар одам турли даражада тан жароҳати олди, улардан 83 нафари касалхоналарга ётқизилди.

Портлатишлар шаҳарнинг турли нуқталарида, асосан Президент кортежи ўтадиган йўлларда содир этилди. Террорчилик ҳаракатлари портлагич моддалар билан тўлдирилган турли русумдаги олтита автомашинани портлатиш воситасида амалга оширилди.

Энг катта кучга эга бўлган портлаш соат 10дан 55 дақиқа ўтганда Мустақиллик майдонида Вазирлар Маҳкамаси биносига кираверишда амалга оширилди. Бу ерда соат 11.00да вилоятлар, вазирликлар, идоралар, бирлашмалар ва концернлар вакиллари иштирокида ҳукумат мажлиси бўлиши режалаштирилган эди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати террорчилик ҳаракати оқибатида ҳалок бўлган бегуноҳ ватандошларимизнинг оилаларига, яқин қариндошларига, ёру биродарларига чуқур таъзия изҳор этади ҳамда уларнинг бошига тушган мусибатни енгиллаштириш учун барча ишларни қилади.

Мазкур террорчилик ҳаракатларининг сабабларини текшириш учун бир неча тезкор-тергов гуруҳлари ташкил этилди.

* * *

16 февраль куни Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Президент Ислом Каримовга қўнғироқ қилиб, Ўзбекистон пойтахтида рўй берган фожиали воқеалар муносабати билан ҳамдардлик изҳор этди. Ушбу террористик ҳатти-ҳаракатларни содир этган шахсларни қидириб топиш ва қўлга олиш юзасидан зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини билдирди.

Борис Ельцин бегуноҳ қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этди.

Президент Ислом Каримовга, шунингдек, Грузия Президенти Эдуард Шеварнадзе, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ҳам қўнғироқ қилиб, ўз ҳамдардликларини билдирдилар.

Келажак — эртанги кун демакдир. Эртанги кун эса бугунги ёшларники! Демак, келажакнинг қандай бўлишини уларнинг илмга муносабати, ватанга муҳаббати, яратувчанлик қобилияти, одобу-хулқига қараб ҳам тасаввур қилса бўлади. Мана бу ёшларнинг чеҳрасига бир қаранг: юзларда ним табассум, кўзларда ишонч учқуни, туришлари қатъиятли, кўнгилларида илмга ташналик... Бир кун келиб, шу ўғил-қизлар Президентимиз кўп таъкидлаётган мустақил юрт эгалари, олиму-фозиллари, Ватаннинг садоқатли фарзандлари бўлиб етишишса не ажаб?! Шундай бўлади ҳам! Зеро, юртимизда болажонларнинг соғлом ва билимдон бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ҳусан АВВАЛОВ олган сурат.

«СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

***ТУМАНИМИЗ** мактабларида ёш авлодни Конституция, давлат қонунлари ва ҳукумат қарорларини ҳурмат қилиш ва уларга амал қилиш руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида юқори синф ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» деб номланган кўрик-танловлар мунтазам ўтказилмоқда.*

Уни Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлими, туман суди, ички ишлар, халқ таълими бўлимлари, тадбиркорлар касаба уюшмаси, табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ҳамкорликда уюштиришмоқда. Кўрик-танлов иштирокчилари беш турдаги шартлар бўйича беллашмоқдалар. Иштирокчи жамоа ўзининг мактаби, қишлоғини, туманини таништиради, танлов иштирокчиларининг ҳуқуқий билимлари савиясини аниқлаш бўйича саволлар берилади. Улар тергов, суд жараёнлари тўғрисида саҳнавий кўринишларни намойиш қиладилар, эркин мавзулардаги шартлар асосида ўзаро куч синашадилар.

Ғолибларга тадбир ҳомийлари томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилмоқда.

***Латифжон МАНСУРОВ,** Юқоричирчиқ тумани.*

Мулоқот

КЕЙИНГИ АТТАНГДАН ФОЙДА ЙЎҚ

***ИНСОНГА** бир марта бериладиган азиз неъмат — умрни тотли ва файзли, покиза ва ҳалол, сермазмун ўтказишга не етсин. Афсуски, унинг нашидасини тушунмай, ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўяётганлар ҳам бор. Айниқса, ёшлар орасида бундайлар учраётганлиги ўта ачинарли бир ҳолдир.*

Нашаванд кимсалар туфайли дунёга келган фарзандларнинг нохуш аҳволларини телекўрсатувлар орқали кузатганимизда ҳар биримиз ич-ичимиздан зил кетамиз. Гиёҳвандларга нисбатан чексиз нафрат уйғонади. Ҳа, бу иллат кони зарар. У ўзига ром этган тирик жонни жиноятга етаклайди, ҳор қилади, қотиллик сари судрайди. Шу боис унинг олдини олиш мақсадида маҳаллаларда, ўқув даргоҳларида мунтазам суҳбатлар ўтказиб бориш, албатта, ижобий самаралар беради.

Шуни айтиш керакки, гиёҳвандликнинг олдини олиш, уни бартараф этишда жамоатчилик, маъмурий идоралар ва шифокорлар ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади. Ана шу жиҳатдан ёндошганда пойтахтимиздаги Давлат Солиқ қўмитасига қарашли ҳарбийлашган Солиқ коллежининг бу борадаги фаолияти диққатга лойиқдир. Мазкур билим муассасасининг «Маънавият ва ҳуқуқий тарбия» дастурига ана шундай ҳунук иллатларга қарши курашга қаратилган суҳбат мавзулари киритилган. Ана шу борада бу ерда режа асосида мулоқотлар уюштирилмоқда. Яқинда билим даргоҳида «Гиёҳвандлик — умр заволи» деб номланган ана шундай суҳбат давраси бўлиб ўтди. Унда Акмал Икромов тумани прокурори ўринбосари Б. Лутфуллаев, Тошкент шаҳар гиёҳвандликни даволаш диспансери шифокори О. Белоконь нохуш одатлар билан боғлиқ мавзуларда ихчам маърузалар қилдилар. Ўз иш фаолиятларида дуч келган аниқ мисоллар асосида фожиаларга сабаб бўлган воқеалар тўғрисида гапириб бердилар. Суҳбат сўнггида улар талабаларнинг қатор саволларига жавоблар бердилар.

— Биз чекиш, гиёҳвандликнинг олдини олишга даҳлдор, шунингдек, ҳуқуқий мавзулардаги суҳбатларни бундан буён ҳам дастуримизга мувофиқ ўтказиб бораверамиз, — дейди коллеж бошлиғининг биринчи ўринбосари У. Раупов. — Зеро, ёшларни баркамол, соғлом, теран фикрли, малакали мутахассислар қилиб тайёрлаш давр талабидир.

Зарифа РАШИДОВА.

ЁШЛАР ВА МАЪНАВИЯТ

***ЎЗБЕКИСТОН** мусулмонлари идорасида бўлиб ўтган республика уламолар Кенгаши йиғилишида йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига жавобларида маънавиятни юксалтириш борасида ўртага қўйилган масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.*

Йиғилишда мамлакатимизда мустақил давлатчиликни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларга мадад бериш бўйича Ўзбекистон уламолари олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Айни вақтда бу борадаги ишларимизга раҳна солишга интилаётган кучлар мавжудлиги, улар орасида диний экстремистик оқимлар ва гуруҳлар пинҳона ҳаракат қилишга уринаётгани кўрсатиб ўтилди. Шундайлардан бири — хорижий мамлакатлардан бирида фаолият юритаётган «Хезби таҳрири исломия» ташкилоти сўнгги пайтларда юртимиздаги ҳали ғоявий шаклланиб улгурмаган ёшларни тузоғига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг онгини заҳарлаб, ўз халқининг ғанимига айлантиришга ҳаракат қилаётганлиги уламолар томонидан ошкора қораланди. Уларнинг кирдикорлари исломнинг асл таълимотига зид эканлиги, халқимизнинг минг йиллик анъаналари ва урф-одатларига мутлақо тўғри келмаслиги ҳамда диндорлар динга бир восита сифатида эмас, балки маънавий поклониш ва юксалиш йўли сифатида мурожаат этиши тўғрилиги алоҳида айтиб ўтилди.

Йиғилишда ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари томонидан диний экстремистик гуруҳларнинг асл моҳиятини ва халқимизга қарши қаратилган фаолиятини фош этувчи далиллар келтирилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мансуров, Бош Вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов сўзга чиқди.

(ЎзА).

«УМИД»: ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТЯПТИ

***ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** республика Банк Молия Академияси биносида иқтидорли ёшларнинг чет элларда ўқишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси грантлари учун бўлиб ўтаётган танловнинг тўртинчи босқичи якунланди.*

Бу босқичда Ўзбекистоннинг таниқли олимлари, шоир ва ёзувчилари, санъаткорлари талабгорларнинг маънавияти ва маърифати қанчалик мустаҳкам эканини имтиҳон қилишди. Агар танловнинг дастлабки босқичида икки мингга яқин талабгорлар ўз кучини синаб кўрган бўлса, кейинги босқичларга уларнинг 365 нафари йўлланма олди.

— Бу йилги танлов ҳам ўтган йиллардаги каби қизғин ўтяпти, — дейди биз билан суҳбатда «Умид» жамғармаси ижрочи директори Маннон Раҳимов. — Талабгорларнинг сони ҳам кўп, танловга бўлган қизиқиш ҳам тобора ўсиб боряпти. Ёшларнинг илм олишга бундай рағбат туйғани албатта хайрли. Кези келганда, бир гапни айтиб ўтсам: «Умид» жамғармасининг иши фақат танлов ўтказиш ёки ёшларни четга жўнатишдангина иборат эмас. Биз ўқитаётган болаларимизнинг келажаги, уларнинг хорижий таълим даргоҳларида фанларни қандай ўзлаштираётгани, юриш-туриши, ҳаёти ҳақида ҳам қайғурамиз. Бу ишда бизга мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари яқиндан кўмак беради. Шунингдек, Ўзбекистонга қайтиб келганидан кейин уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ҳам диққат марказимизда. Президентимиз фармони билан хорижда илм олиб, тажриба ошириб келаётган ёшлар истиқболи ҳақида қайғуриш, уларни жойжойига қўйиш билан шуғулланувчи махсус ишчи гуруҳи ташкил этилган эди. Жамғармамиз «Умид» грантлари бўйича чет мамлакатларда ўқиб келаётганларнинг салоҳиятини атрофлича ўрганиб, ана шу махсус гуруҳга тегишли тавсия ва таклифлар беради. Мақсад — ёшлар истеъдоди ва салоҳиятига яраша ўз ўринларини топсин.

Шундай қилиб, танловнинг асосий босқичлари якунланди ҳисоб. Келгуси ҳафта талабгорларнинг умумий йиққан баллари эълон қилинади. Ундан кейин эса керакли баллни тўплашга муваффақ бўлганлар танланган мамлакатлар бўйича хорижий тиллардан суҳбат ҳамда расмий тест синовларидан ўтишади. Хорижий мутахассислар оладиган ушбу синовлардан ҳам муваффақиятли ўтган ёшлар «Умид» йўналиши бўйича Президент грантларини қўлга киритади.

***Ф. АРЗИЕВ,** ЎзА муҳбири.*

«ЯШИЛ ҲАФТА-99»ДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

***БЕРЛИНДА** «Яшил ҳафта-99» қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари халқаро кўргазмаси ниҳоясига етди. Жаҳоннинг 57 мамлакати қаторида Ўзбекистон ушбу кўргазмада илк бор иштирок этди.*

Ўзбекистон экспозицияси «Ўзэкспомарказ», «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг», «Ўздонмаҳсулот», «Нови гул» қўшма корхонаси, «Ўзбекистон шампани», «Андижон дурдонаси» қўшма корхонаси ва «Берад» ширкатининг ходимлари ҳамкорлигида тайёрланди ва мамлакатимиз аграр мажмуи ҳамда озиқ-овқат саноатининг кенг экспорт имкониятларини ҳар томонлама намойиш этди.

Кўргазмада намойиш этилган Ўзбекистоннинг аграр мажмуи ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари оммавий ахборот воситаларининг диққат-эътиборидан четда қолмади. Кўргазма очилган куннинг эртасигаёқ Германиянинг «Берлинер-Моргенпост» оммабоп газетаси «Ўзбекистон: янги алоқаларга умидлар» сарлавҳали мақолани чоп этди. Мақолада ёзилишича, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кутилганидан ҳам аъло даражада. Мамлакатимиз экспозицияси маҳаллий телевидениенинг учта энг оммабоп каналлари орқали намойиш этилган кундалик телевизион лавҳаларда доимо телетомошабинлар эътиборида бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Яшил ҳафта-99» ишининг илк дақиқаларида, кўргазманинг тантанали очилиш маросими тугаши билан қ ўзбек экспозициясига бир гуруҳ юқори мартабали меҳмонлар ва кўргазма ташкилотчилари ташриф буюрдилар. Ўша жойнинг ўзида бўлиб ўтган музокаралар чоғида улар Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма лойиҳалар ва бевосита битимларни амалга оширишдан манфаатдор эканликларини тасдиқладилар.

Меҳмонларнинг кўпчилиги таассуротлари билан ўртоқлашдилар. Озиқ-овқат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги федерал вазири К.Х. Функе, жумладан, Ўзбекистон қадимдан ўзининг ширин, юқори сифатли мевасабзавот маҳсулотлари ва узумлари билан машҳур деб таъкидлади. У шунингдек мамлакатимизнинг Берлин кўргазмасидаги биринчи муваффақиятли иштироки унинг Европа бозорига чиқишида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон ва жаҳон

Берлин бургомистри Э. Дипгин эса Ўзбекистон ва шу жумладан биродар шаҳар — Тошкентдаги шериклари билан бевосита ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини билдирди.

— «Яшил ҳафта» Ўзбекистон маҳсулотларини Германия ва Европа бозорларига чиқариш, бутун дунёдаги ишбилармон ва фермерлар билан янги амалий алоқалар ўрнатиш учун яхши имкониятдир, — деб таъкидлади кўргазма раҳбари Х. Шмидт. — Мамлакатингиз жаҳонда энг сара пахта ва ипак, ширинлиги тилни ёрадиган олма, шафтоли, нок, гилос, беҳи, узум, қовун-тарвузлар етказиб берувчи иқтисоднинг қишлоқ хўжалик секторида парвоз қилиш учун барча имкониятларга эга деб ҳисоблайман.

Берлин бургомистрининг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича маслаҳатчиси Э. Пирот ўзбек пештахталарида намойиш этилган маҳсулотлар сифатини юқори баҳолади, уларнинг хорижий намуналарга рақобатбардошлигини айтиб ўтди ва Ўзбекистонлик шериклар билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада юксак даражага кўтаришга кўмак бериш кераклигини таъкидлади.

Кўргазма доирасида Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчихонаси «Ўзбекистон — халқаро ҳамкорлик учун истиқболли юксалаётган давлат» мавзусида мамлакатимиз иқтисодий имкониятларининг қабул-тақдимот маросимини ташкил этди. Унда федерал президент, федерал озиқ-овқат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ҳамда иқтисод вазирликлар хизматлари, истеъмолчилар, фирма ва компаниялар уюшмаси раҳбарлари, нохукумат ташкилотлари ва Германия оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари, ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг ўринбосари Р. Муҳамедов ва Ўзбекистон элчиси В. Норов йиғилганлар олдида сўзга чиқиб, кўргазма ташкилотчиларига илиқ қабул ҳамда шу куннинг халқаро мулоқот ва ҳамкорликнинг нуфузли майдонига айланган анжуманнинг юксак даражада ўтказилганлиги учун миннатдорчилик изҳор этдилар. Улар Германия ва бошқа мамлакатлар учун озиқ-овқат саноатига илғор технологияларни жалб қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш соҳасидаги Ўзбекистоннинг сармоя киритиш имкониятларига алоҳида эътиборни қаратдилар.

Учрашув давомида «Берлинер банк» бошқаруви аъзоси Л. Троинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун молиявий кўмак беришга тайёр эканини билдирди. Потсдам шаҳридаги қишлоқ хўжалиги техникаси институти профессори Д. Ехлрет ўз навбатида ўзбекистонлик қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлашда ўз ташкилоти ёрдамини таклиф этди.

«Тиссен Хандельсюнион» компанияси раҳбари Х. Кунце концернининг Ўзбекистондаги кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишдаги амалий кўмагини айтиб ўтди. У хусусан, компания аллақачон мамлакатимизга кичик заводларнинг биринчи дафъасини юборишга киришганини таъкидлаб ўтди.

Учрашув иштирокчилари томонидан билдирилган кўплаб хайрли истаклар немис ишбилармонларининг ўзбекистонлик шериклари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилаётганликларининг ёрқин исботидир.

«Месса Берлин» конгресс-залида бўлиб ўтган тантанали қабул чоғида барча делегация раҳбарлари қаторида фақатгина Ўзбекистон делегацияси раҳбарига, кўргазма иштирокчиларига қарата табрик маърузаси қилиш имкони берилгани Ўзбекистонга алоҳида ҳурмат нишонасидир.

Кўргазмага ярим миллиондан зиёд берлинликлар ва шаҳар меҳмонлари ташриф буюрди. Берлинда ўтган «Яшил ҳафта»да Ўзбекистон экспозициясининг муваффақияти Ўзбекистон-Германия муносабатларини ривожлантиришда, мамлакатимиз обрўсини халқаро майдонда мустаҳкамлашда яна бир муҳим воқеа бўлди.

***Шуҳрат ЁҚУБОВ,** «Жаҳон» АА муҳбири, Берлин.*

ОЧИҚ ГАП — АЧЧИҚ ГАП

ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ

***ЎРТАЧИРЧИҚ** — табиий-иқтисодий имкониятлари жиҳатидан вилоятда ўзига хос ўрин тутадиган йирик туманлардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги, саноат, айниқса, пахтачилик соҳасида ушбу туман ҳиссасига тўғри келадиган ишлаб чиқариш улуши анча салмоқли. Аммо...*

Кейинги вақтда туманда тадбиркорликни ривожлантириш, қўшма корхоналар фаолиятини янада яхшилаш, мавжуд иқтисодий имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Бу яхши, албатта. Бироқ, айнан ана шу улкан режаларни амалга оширувчи асосий куч — ОДАМЛАР тўғрисида ғамхўрлик қилиш, қишлоқларда, маҳаллаларда маданий-маиший хизмат кўрсатишни талаб даражасида йўлга қўйиш унчалик муҳим бўлмаган вазифа сифатида бир четга чиқиб қолмоқда. Оқибатда, олди олинса бўладиган айрим кичик нуқсонлар йиғилиб-йиғилиб, катта муаммоларни пайдо қилаётир.

Туман маркази — Тўйтепа шаҳридаги О. Шарофиддинов кўчаси, 45-уйда яшовчи фуқаролардан келган мактубдан:

«Биз истиқомат қилаётган икки қаватли уйларнинг томи таъмирланмаганлиги учун ёғин-сочинли кунларда чакка ўтади. Ётишга ва ўтиришга жойимиз қолмайди. Икки йилдан бери мана шу аҳвол. Иситиш тармоқлари ишламайди. Овқатни подъездда ўчоққа ўтин ёқиб пиширамиз. Чунки хонадонларда газ ҳам йўқ. Уйларнинг олдидаги ахлат чиқиндилари олиб кетилмаслиги натижасида улар касаллик тарқатиш манбаига айланиб қолмоқда.

12 январда кун бўйи ёмғир ёғиб, деярли барча хонадонларга томдан сув оқиб ўтди. Иложсиз қолгач, туман ҳокими муовини Й. Ўлмасовга мурожаат қилдик. Лекин у киши бизга ҳеч қандай ёрдам беролгани йўқ. Энди дардимизни кимга айтайлик?! Ҳали олдимизда қанча ёғингарчиликлар бор... Сўнгги умидимиз сизлардан.

45-уй соҳибалари номидан:

З. Карагурина, С. Қўзиева, А. Маткаримова, Р. Муҳамедова».



Ушбу шикоят мактуби бизни йўлга чорлади. Ишни туман ҳокимлигида мутасадди раҳбарлар билан суҳбатлашиш ва юқоридаги аҳволнинг сабабларини ўрганишдан бошладик. Аммо ҳоким муовини Ҳаким Маҳкамов: «45-уйнинг масаласи ҳал бўлиб қолди, шекилли. Ўртоқлар шуғулланишаётувди» деган мужмал жавобдан нарига ўтолмади. Бу ишга бевосита алоқадор бўлган муовин — Й. Ўлмасов таътилда экан. Хулас, ҳокимликда иш битмади...

Ўша «масаласи ҳал бўлиб қолган» 45-уйда бўлганимизда, нафақат бу ерда, балки атрофдаги 47-, 53- ва бошқа уйларда ҳам аҳвол жиддий эканлигига гувоҳ бўлдик. Ҳар бирида жами ўн олти хонадон истиқомат қилувчи бу уйларда, таассуфки, файз йўқ. Хоналар совуқ, зах. Сув ўтаверганидан шифт ва деворларда соғ жой қолмаган. Биринчи қаватдагилар кўчада — кириш йўлагида ўчоқ қуриб, чой-овқат тайёрлашса, иккинчи қаватдагилар чоғроқ хонани ўтинхонага айлантириб, шу ердаги қўлбола печкада кўмир ёқиб жон сақлашяпти.

— Менинг олтита фарзандим бор, — дейди 45-уйнинг 15-хонадонида яшовчи Гавҳар Мавашева. — Касбим — ўқитувчи. Ёш болам борлиги учун ҳозир уйдаман. Шароитимизни кўриб турибсиз... Яқинда кўмир билан уйни иситаман деб олти боламдан ажраб қолай дедим. Кечқурун қаланган кўмирдан бутун оиламиз билан заҳарландик. Эрталаб чақирилган «Тез ёрдам» шифокорлари зудлик билан чора кўрмаганларида, билмадим... Кичкинам ҳали ҳам яхши эмас... Совуқда ўтирсак ҳам майли, лекин чакка ўтавериб безор қилган томнинг ғалвасидан қутулайлик деб унинг ўзимизга тегишли қисмига сақич қуйдирдик. Аммо бутунлай таъмирга муҳтожлиги туфайли, томнинг бир жойи ямалса, иккинчи жойидан барибир сув уриб кетяпти. Хуллас, бизнинг дардимизни эшитадиган одамнинг ўзи йўқ...

Йўқ, бу ердагиларнинг дардини ҳеч ким эшитмаяпти, десак бироз ноҳақлик бўлади. Мазкур кўчадаги уйларда яшовчилар ёрдам сўраб турли идораларга зир югуравергач, мажбурият юзасидан бу ерга бирров бош суққанлар, «чорасини топамиз» дея ён дафтарчасига ёзиб кетганлар бўлди, албатта. Лекин ана ўша «чора»дан ҳали-бери дарак йўқ...

— Тумандаги коммунал хизмат идорасининг бош инженери Шавкат деган йигит келиб, томни чиқиб кўрди, — дейди 2-хонадон эгаси Рашид Карагурин. — Унинг айтишича, аҳвол хавфли, томга ёпилган бетон плиталар очилиб қолганмиш. Уни тўла таъмирлаш учун камида икки миллион сўм маблағ зарур бўлар экан... Бош инженер шу кетганча қайтиб келмади. Ахир биз бу туманга бегона эмасмиз-ку. Мен ўзим бутун умримни шифокорликка бағишлаганман. Қўшниларимнинг бири қурувчи, бири тарбиячи, яна бири узоқ йиллар ўқитувчилик қилиб нафақага чиққан.

Маълум маънода улар ҳақ. Аммо ҳозир О. Шарафиддинов кўчасидаги икки қаватли уйларда истиқомат қилаётган бу оилаларнинг шундоқ ҳам кўриниб турган муаммоларини санаш ёки бу масалага совуққонлик билан муносабатда бўлаётган айбдор шахсларни излаш асосий масала эмас! Ҳозир одамларга ёрдам керак! Ёмғирдан зах тортган бетон деворлар орасида ўсаётган болаларнинг тақдирини ўйлайдиган жонкуяр раҳбарлар, ишбилармонлар, ҳомийлик қила оладиган иқтисодий бақувват корхоналар йўқми Тўйтепада? Топилади, агар истак бўлса...

Афсуски, туманда коммунал, маданий-маиший хизмат соҳасидаги муаммолар шу билан тугамайди. Бу ерда иситиш тармоқлари яхши ишламаслиги, биноларни қишки мавсумга тайёрлаш қониқарсиз бажарилгани сабабли айрим боғчалар вақтинча ёпиб қўйилган. Қатор қишлоқларда эса тоза ичимлик суви муаммоси ҳалигача ҳал этилмаяпти. Маълумотларга қараганда, бу муаммо «Янги турмуш» қишлоғида анча ўткир. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўплаб маҳаллаларда, ҳатто, юзлаб фарзандлар билим олаётган 69-мактабда сув масаласи оғир бўлиб турибди. Бу ерда олти минг кишига битта сартарош, битта пойафзал таъмирлаш устаси, иккита телевизор-радио устаси, битта нонвой тўғри келаркан. Қишлоқнинг ички йўлларидаги аҳволга эса фақат шу қишлоқ аҳолиси чидаши мумкин, холос...

Баъзан келажагимиз тақдири ҳал бўлаётан ҳозирги долзарб дамларда айрим одамларда ташаббускорлик ўрнига лоқайдликни, боқимандалик кайфиятини кўриб, улардан ранжиймиз. Шиддаткор замон руҳига мослашиб кетолмаётганларидан афсусланамиз. Кишиларни бундай асоратлардан қутқариш учун, аввало уларни эртанги кунимизга ишонтириш, қалбларига меҳр ва фидойилик туйғуларини сингдириш, тафаккурини бойитиш энг устун вазифа эканлигини Президентимиз деярли ҳар бир маърузасида, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларида қайта-қайта таъкидлайди. Бироқ, айрим жойлардаги мутасадди раҳбарлар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла қўмиталари, депутатлар бу масалада етарли ҳозиржавоблик кўрсата олмаяптилар. Ахир ҳамма нарсага бозор иқтисодиёти шароитини, маблағ йўқлигини рўкач қилиб, сувдан қуруқ чиқиб кетиб бўлмайди-ку!

Шубҳасиз, ҳозир ҳеч кимга осон эмас. Айниқса раҳбарга. Лекин, у қайси жой, қайси лавозимда бўлишидан қатъий назар, энг аввало, ўз халқининг бахтли ҳаёти учун бор билими ва кучини сарфлаши зарур. Президентимиз «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига берган жавобида бир гапни алоҳида таъкидлади: «Ўз халқига суянмайдиган раҳбар ҳеч нарсага эришолмайди». Халққа суяниш эса у ҳақда ғамхўрлик қилишдан, унга ишонишдан бошланади. «Ватаннинг гуллаб-яшнашини ўз туманим, ўз қишлоғимнинг гуллаб-яшнашидан бошлайман» дейдиган мард кишиларгина бу юксак ишончга эриша оладилар. Ўртачирчиқ туманида бундай фидойи инсонлар бор. Улар газетанинг мазкур чиқишини холис қабул қилиб, тилга олинган хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этишга киришадилар, деган умиддамиз.

***Зарифа ЭРАЛИЕВА,** «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.*

***СУРАТЛАРДА:** О. Шарафиддинов кўчасида жойлашган 45-уй ва унинг атрофидаги аҳвол.*

***Даврон АҲМАД** суратлари.*

Молиявий таянч

КРЕДИТНИ КИМГА БЕРИШНИ БИЛИШ КЕРАК

дейди республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси ўз мижозларига

Ҳақ гап. Олмоқнинг бермоғи бор. Зеро, кредитни олиб, уни қайтаришга келганда, пайсалга солувчи мижозлар ҳам учраб туради. Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. Мақсад — кредитга берилаётган ҳар бир сўм маблағ пировардида бир неча сўмга айланиб қайтсин ва бу орада банкнинг даромади ортсин, давлат бойисин, жамият фаровонлашсин. Республика чет эл андозалари асосида шаклланиб бораётган бутун банк тизими, айниқса, тижорат банклари ана шу хайрли ишга даъват этилган. Демак, банкларнинг бор маблағлари шундай соҳаларга сафарбар этилсинки, токи улар минглаб янги ишчи ўринларининг очилишига, ишлаб чиқариш тармоқларининг кенгайишига, хуллас, халқ хўжалигининг жадал ривожланишига хизмат қилсин. Ана шунда республика банк тизими олдига қўйилган асосий мақсадга эришилади. Яъни тижорат банклари республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва чуқурлаштиришда мустаҳкам молиявий таянч вазифасини ўтайди.

Республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатда биринчилардан бўлиб шу даражага эришди. Бугунги кунга келиб банк мижозлари сони 12 минг 166 нафардан ошди. Банк томонидан берилган жами кредит манбаларининг 32,4 фоизи янги ишлаб чиқариш объектлари қурилишлари, 33,1 фоизи саноат тармоқлари қувватларини ошириш мақсадларига ажратилди.

— Биз бераётган кредитимизнинг нималарга сарфланиши масаласига алоҳида эътибор берамиз, — дейди банкнинг бош амалиёт бўлими бошқарувчиси Исмоил Рустамов. — Аввало, бизнес-режани синчиклаб ўрганамиз. Янги ишчи ўринлари очилиши, ҳам кўп, ҳам импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши, яъни халқ хўжалиги ривожига ва мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига хизмат қилишига тўла ишонч ҳосил қилганимиздан сўнг ҳамкорлик қиламиз.

Маълумки, бундай тартибда иш юритиш учун банкнинг ҳар бир ходими чуқур молиявий билимга эга бўлган етук мутахассис бўлмоғи лозим. Бунинг учун банкка кўпроқ олий маълумотли мутахассис ёшлар ишга қабул қилиниб, улар вақти-вақти билан аттестациядан ўтказиб турилади.



Суратларда: бош мутахассис Гулчеҳра Мирзааҳмедова ўз касбининг устаси; бўлим бошқарувчиси Исмоил Рустамов; бўлим бошлиғи Анвар Ҳасанов етакчи мутахассис Елена Ликова ва касса мудири Татьяна Ким билан навбатдаги вазифалар хусусида маслаҳатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ БАЖАРИЛИШИ ШАРТ!

ШАРТНОМА. Содда қилиб айтадиган бўлсак, бу — икки томоннинг аҳдлашуви, ўзаро келишувидир. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида эса шартнома олди-сотди жараёнларининг шаклланишида тайёрловчи билан истеъмолчи манфаатларини тенг акс эттирадиган, ҳал қилувчи ҳужжат сифатида муҳимдир. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашувида шартноманинг аҳамияти беқиёсдир.

Очиғини айтиш керак. Шартнома расм бўлган дастлабки кезларда унинг ижросига шунчаки, хўжакўрсингагина муносабатда бўлдилар. Оқибатда бажарилишидан кўра қоғозда қолиб кетиши кўп бўлди. Бунинг натижасида тайёрловчилар топширилган маҳсулотлари ҳақини ўз вақтида ололмай, зиён кўра бошладилар. Хўжалик миқёсида бу зиён пировардида газак олиб, қатор хўжаликларнинг иқтисодий заифлашувига, ишлаб чиқаришнинг сустлашувига, демакки, деҳқонларнинг норозилигига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам кейинроқ шартнома шартларининг бажарилиши таъмин этилмаган тақдирда ҳам икки томоннинг ҳам айби бўйнига қўйилиб, ҳатто, жавобгарликка тортилиши қатъий қилиб белгиланди. Ана шундан кейин бу соҳада жиддий ўзгариш, бурилиш юз бера бошлади.

Яқинда Тошкент туманида хўжалик раҳбарлари, бош иқтисодчилар ва тайёрловчи корхоналар, шаҳар сут комбинати, бўрдоқичилик базаси, шунингдек, шаҳарнинг туманга яқин бозорлари, фирмаларнинг вакиллари қатнашган семинар-маслаҳат кенгашида қонунларга, ҳукумат қарорларига жавоб берадиган шартномалар тузиш масаласига алоҳида эътибор берилди. Юқорида айтганимиздек, туб бурилишнинг моҳияти нимадан иборат? Ундан қаноат ҳосил қилса бўладими, йўқми? Бу соҳада ҳам кенг фикр алмашув бўлди. Кўпгина фойдали мулоҳазалар ва таклифлар ўртага ташланди. Илгарилари шартномалар бир қолипда тайёрланиб, кўпайтирилган шаклда бўларди. Эндиликда ҳеч ким ўзича шартнома тузолмайди, шартномани тузиш ва уни тасдиқлашда, албатта, ҳуқуқшунос иштирок этади, имзо чекади. Шундан кейингина туманларда сифат инспекцияси томонидан рўйхатга олинади. Демакки, шартноманинг бажарилиши доимо ҳуқуқшунос назоратида бўлади.

Бу, табиийки, ҳар икки томонга ҳам катта масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам кенгашда истеъмолчиларга шартнома тузишдан олдин чўнтагингга қара, қанча маҳсулот олишга ва уни ўз вақтида халққа сифатли қилиб етказиб беришга қурбинг етади, деб айтилди. Тайёрловчиларга эса ерлар камайиб, қадри ортиб боряпти, шундай бўлгач, харидор суюб оладиган экинни эк, мабодо эккан экининг ҳосили ўз эгасини тополмай, далада қолиб, исроф бўлишига кўзинг етса, экмай қўяқол! Ерни увол қилма, яхшиси, дам бер, деб огоҳлантирилди.

— Сизлар ҳар йили шаҳар сут комбинати билан шартнома тузарканисизлар, — деб сўрадим Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги бош ҳисобчиси Баҳодир Эгамбердиевдан, — бажарилишидан қониқасизларми?

— Албатта, — деди бош ҳисобчи. — Агар улар бўлмаса, бизлар айни ёз пайтида соғин сигирлардан олинадиган мўл-кўл сутни қаерга топширишни биролмай, ачитиб қўйиб, чув тушиб қолган бўлардик. Ўзимиздаги цехнинг қуввати эса бор сутни қайта ишлашга ожизлик қилади. Тўғри, сут комбинати ва тайёр маҳсулотларнинг 80 фоизини бюджет ташкилотларига топширади. Уларнинг ўз вақтида пул ўтказиши қийин. Буни тушунамиз. Лекин, барибир биз билан ҳисобкитоб қилишади.

Қишлоқ ва ислоҳот

Дейлик, шартномалар тўла-тўкис бажарилди. Лекин, барибир деҳқон етиштирган маҳсулотини истеъмолчи орқали тўла-тўкис сота олмайди, бир қисми ўзида қолади, ўзи тасарруф қилиши керак. Хоҳласа бозорга олиб чиқиб сотади.

Лекин, ҳар доим ҳам бунга имконият бўлмайди. Вақт етишмайди. Бозорга маҳсулот олиб борганида эса, яширишнинг ҳожати йўқ, кўп ҳолларда деҳқон «учар» чайқовчи, олибсотарларнинг домига илинади. Улар қўярда қўймай, мажбур қилиб бўлса ҳам, деҳқон маҳсулотини сувтекин баҳода олиб қолиш пайидан бўладилар.

Бу бало-қазодан деҳқонни асраш, ҳимоя қилиш мақсадида ўтган йилдан бошлаб йирик деҳқон бозорлари қошида савдо-тайёрловчи корхоналар ташкил этилганлиги анча яхши натижалар бермоқда.

Лекин, савол туғилади: бу корхонага ҳам айрим нопоклар жойлашиб олиб, деҳқонни чўмичда қоқишга ҳаракат қилмасмикинлар?! У ҳолда яна деҳқонга жабр бўлмайдими?

Бу эҳтимолдан ҳоли эмас, албатта. Бунга йўл қўймаслик учун эса, назаримизда, бу корхонага рақобатчи бирон ташкилот зарурга ўхшайди. У қанақа ташкилот бўлиши мумкин? Мутахассислар, тажрибакорлар фикрича, бир вақтлари ҳар бир туманда фаолият кўрсатиб келган тайёрлов идораларини ҳозирги замонга, бозор иқтисоди талаблари ва қонунларига мослаб, такомиллаштириб, қайта тузиш керак! Йўқ, бу асло орқага қайтиш дегани эмас, бундай деб ўйлаш нотўғри бўлади.

Гап шундаки, сиз хоҳлайсизми, хоҳламайсизми, деҳқонларимиз етиштираётган маҳсулотларининг маълум бир қисми қандайдир қинғир йўллар билан, қонунларни четлаб бўлса ҳам, ҳамдўстлик мамлакатларига олиб бориб сотилмоқда. Нега бу ишни қонуний равишда йўлга қўйиш мумкин эмас? Мумкин. Бунинг учун биз юқорида айтганимиздек, қайтадан янги тизим, янги шаклда ташкил этиладиган тайёрлов идоралари хизмати зарур бўлади. Улар деҳқонлардан маҳсулотларни келишилган нархда сотиб олиб, ҳамдўстлик мамлакатларига жўнатиш билан шуғулланадилар. Шундай қилиб, деҳқон учун ўз маҳсулотларини тўла-тўкис сотиб, мумай даромад қилишлари учун яна бир имкониятнинг эшиги очилади. Бу ҳақда ўйлаб кўриш керак!

...Ҳа, эндиликда шартноманинг бажарилишида ҳуқуқшуносларнинг хизмати катта бўлади. Шундай экан, ҳар бир хўжалик, албатта, ўзининг ҳуқуқшуносига эга бўлиши керак, деган фикр ҳам дадил ўртага ташланди. Ахир бир вақтлари шундай бўлган. Лекин, маълум даврга келиб, бу удум бузилди. Эҳтимол, бунда ўша даврва замоннинг шароити ҳисобга олиниб, тўғри қилингандир. Лекин, ҳозирги бозор иқтисоди даврида хўжаликларда ҳуқуқшунослик лавозимини, албатта, қайта тиклаш керак. Тўғри, айрим хўжаликларда бу лавозим бор. Масалан, Тошкент туманидаги 13та хўжаликдан бештасида ҳуқуқшунослар ишлайди. Лекин, улар ўриндошлик асосида фаолият кўрсатадилар. Табиийки, улар иш жойларидан ортиб, ёлчитиб ишламайдилар.

Ҳуқуқшуноси бор хўжаликда қонунларнинг ишлаши, амал қилиши осон кечади. Ҳуқуқшунос шартнома шартларининг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатади. Дебиторлик, кредиторлик қарзларини ундириб, хўжаликнинг хазинасини бойитади, демакки, деҳқон турмуш фаровонлигини яхшилаш учун елибюгуриб хизмат қилади.

Айтайлик, шартнома шартлари бажарилмади. Бу масала хўжалик судида кўрилган тақдирда ҳам ҳеч вақт малакали ҳуқуқшуноси бор хўжалик доғда қолмайди, албатта, ютиб чиқади.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, шундай экан, нима учун хўжалик раҳбарлари тайёр фойдадан юз ўгирадилар? Ҳуқуқшунос олиб, уни ишлатишга унчалик рағбат билдирмайдилар? Буни тушуниш қийин эмас. Ҳуқуқшунос бор жойда ҳар бир хўжалик, албатта, ўзининг ҳуқуқшуносига эга бўлиши керак, деган фикр ҳам дадил ўртага ташланди. Ахир бир вақтлари шундай бўлган. Лекин, маълум даврга келиб, бу удум бузилди. Эҳтимол, бунда ўша даврва замоннинг шароити ҳисобга олиниб, тўғри қилингандир. Лекин, ҳозирги бозор иқтисоди даврида хўжаликларда ҳуқуқшунослик лавозимини, албатта, қайта тиклаш керак. Тўғри, айрим хўжаликларда бу лавозим бор. Масалан, Тошкент туманидаги 13та хўжаликдан бештасида ҳуқуқшунослар ишлайди. Лекин, улар ўриндошлик асосида фаолият кўрсатадилар. Табиийки, улар иш жойларидан ортиб, ёлчитиб ишламайдилар.

Ҳуқуқшуноси бор хўжаликда қонунларнинг ишлаши, амал қилиши осон кечади. Ҳуқуқшунос шартнома шартларининг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатади. Дебиторлик, кредиторлик қарзларини ундириб, хўжаликнинг хазинасини бойитади, демакки, деҳқон турмуш фаровонлигини яхшилаш учун елибюгуриб хизмат қилади.

Айтайлик, шартнома шартлари бажарилмади. Бу масала хўжалик судида кўрилган тақдирда ҳам ҳеч вақт малакали ҳуқуқшуноси бор хўжалик доғда қолмайди, албатта, ютиб чиқади.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, шундай экан, нима учун хўжалик раҳбарлари тайёр фойдадан юз ўгирадилар? Ҳуқуқшунос олиб, уни ишлатишга унчалик рағбат билдирмайдилар? Буни тушуниш қийин эмас. Ҳуқуқшунос бор жойда унчамунча қонун бузилишларига, ҳақсизлик, адолатсизликка йўл қўйилмайди, эҳтимолки, раҳбарлар ўзларига керакли айрим даромад манбаларидан маҳрум ҳам бўлиб қоладилар. Лекин, барибир, ўз қобиғи, тор манфаатлари исканжасида ўралиб қолган раҳбар узоққа боролмайди. Буни тушуниш керак. Лекин, бизнингча, аксарият раҳбарларимиз пок, ҳалол фаолият кўрсатиб, элюрт манфаати йўлида астойдил хизмат қилмоқдалар. Демакки, вақти-соати келиб, албатта, улар ҳам масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб, ўзларининг тўлақонли ҳуқуқшуносларига эга бўладилар. Зарур деб топилган тақдирда эса хўжаликдаги иқтидорли, ихлосманд ёшларни танлаб, илмгоҳлар билан шартнома асосида ўқитиб, малакали кадрларни ўзларидан чиқарадилар. Зотан, ҳуқуқий давлат қурмоқчи эканмиз — келажак ҳуқуқшуносларники, иқтисодчиларники, ишбилармонларники! Уларсиз бир қадам ҳам олға қадам қўйиб бўлмайди.

* * *

Ўша кунги кенгашда яна кўпгина фикрлар, мулоҳазалар айтилди. Бир вақтлари ҳар бир хўжаликнинг аҳоли гавжум жойларда, бозорларда хос кўргазмалари бўларди. Замона зайли билан улар деярли йўқ бўлиб кетди. Ҳозирги пайтда бундай дўконларни, албатта, янгидан тиклаш керак! Зотан улар фақат мавсумдагина эмас, йил бўйи савдо қилсинлар, воситачисиз ишласинлар. Ҳайрон қоласан киши. Шундай фирмалар борки, уларнинг айримлари хўжаликларнинг ҳудудидаги омборхоналарни ижарага олганлар, хўжаликдан, яқин атрофдаги деҳқонлардан маҳсулотларни сотиб олиб, сақлайдилар ва бутун йил бўйи савдога чиқарадилар. Нега бу ишни хўжаликларнинг ўзлари амалга ошириши мумкин эмас?!

Яна бир фикр. Балиқ сув билан тирик деганларидек, истеъмолчининг ҳаёт-мамоти деҳқон маҳсулотига боғлиқ. Сир эмас, истеъмолчи деҳқон не-не машаққатлар билан етиштириб берадиган тайёр маҳсулотни қайта ишлаб, сотиш ҳисобига, ҳатто, деҳқондан ҳам кўра кўпроқ фойда кўради. Хуллас, тайёрловчи билан деҳқон ўртасидаги ҳамкорлик окибатида ҳар икки томон ҳам тенг фойда, тенг даромад кўриши зарур.

Биз ана шу юқорида айтилган мулоҳаза, таклиф, истаклар тўғрисида мутахассислар, хўжалик раҳбарлари ўзларининг холисона фикрларини билдирадилар, деган ниятдамиз.

Носир РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар • одамлар • воқеалар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• БМТ Бош Ассамблеясининг 10-фавқулодда махсус сессиясининг IV мажлиси иштирокчилари Исроил ҳукуматидан Шарқий Қуддусда яҳудийлар учун турар-жойлар қуришни зудлик билан ва бутунлай тўхтатишни талаб қилдилар.

• СУРИЯ умумхалқ референдумининг натижалари эълон қилинди. Унда 99,98 фоиз овоз олган 68 яшар Ҳафиз ал-Асаднинг бешинчи марта етти йиллик муддат билан мамлакат раҳбари бўлиб қолажаклиги расман тасдиқланди.

• ЗАҲИРИДДИН Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари АҚШда инглиз тилида нашр этилди.

• КИПР Республикаси ҳукумати Кипр муаммосини бартараф қилиш жараёнида АҚШ президенти ва Буюк Британия бош вазирининг шахсан иштирок этишлари мақсадга мувофиқ эканлигини маълум қилди.

• ТУНИС давлати Эритрея ва Эфиопияни тезда уруш ҳаракатларини тўхтатишга чақирди. Ўртадаги ихтилофлар БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Африка Бирлиги Ташкилоти қабул қилган резолюциялар асосида сиёсий йўл билан ҳал этилиши керак.

• ТАЙВАН билан расмий алоқалар ўрнатганлиги учун Хитой Македония билан дипломатик муносабатларини тўхтатди.

БИРОВ КИРАМАН, БИРОВ КИРМАЙМАН, ДЕЙДИ

СЎНГГИ йилларда Шимолий Атлантика ҳарбий уюшмаси — НАТОга аъзо бўлиш нуфузли аъмолга айланиб бормоқда. Сафда турган 18 мамлакат қаторида бўлишни Польша, Венгрия, Руминия, Чехия, қолаверса, Украина, Болтиқбўйи давлатлари орзу қилмоқдалар. Бундан ташқари, дунёдаги қатор мамлакатлар НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида у билан туппа-тузук мулоқотларда бўлмоқдалар.

Яқинда Польша миллий мудофаа вазири Януш Онишкевич расмий ташриф билан Украинага келди. У мазкур мамлакат мудофаа вазири Александр Кузмук ва парламентнинг мудофаа қўмитаси раиси Георгий Крючков билан учрашди. Юзма-юз кўришувларда ҳарбий соҳаларда ҳамда НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги муносабатларни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Ғарб билан ҳарбий соҳаларда ҳамкорлик қилишлар, НАТО хусусида билдириладиган ижобий фикр-мулоҳазалар эса Россия олий мартабали арбобларининг ғашини келтирмоқда. Бинобарин, Россия НАТОнинг Шарқ томонга кенгайишини ўз манфаатларига хавф туғдирувчи ҳатти-ҳаракат деб ҳисобламоқда.

Шу орада Финляндия пойтахти Хельсинкида Шимолий Кенгаш ва Болтиқбўйи мамлакатлари парламентлари ассамблеяси ҳамкорлигида анжуман бўлди. Бу йиғинда ҳам НАТОнинг истиқболи хусусида турли фикрлар билдирилди. Болтиқбўйи республикалари вакиллари келажакда мазкур уюшмага аъзо бўлиш орзусида эканликларини яширмадилар. Бироқ, Финляндия ва Швеция мудофаа маҳкамалари раҳбарлари ўз мамлакатларининг НАТОга кириш нияти йўқлигини маълум қилдилар.

Ўша кунлари эса Венгрия парламентида 330 нафар депутат мамлакатнинг НАТОга қўшилиши тўғрисидаги қонунни ёқлаб овоз бердилар. Боз устига Венгрия парламенти ўзининг ўша мажлисида мамлакатнинг 1999 йилда НАТО билан ҳамкорлик қилиш дастурини ҳам тасдиқлади.

Юқорида айтилган турли-туман йўл тутишлар хусусида нима дейиш мумкин? Ҳар бир мустақил давлатнинг ўз ихтиёри ўзида. Давлат ва халқ манфаатлари, ҳозир ва келажак нималарни тақозо этса, ўша йўналиш мақбул кўринади. Бу йўлдан уларни ҳеч қандай куч қайтара олмайди.

АҲОЛИНИНГ КЎПИ ЯХШИМИ, ОЗИ?

ОСМОН битта, курраи замин битта, тирик жонзот истиқомат қиладиган муҳит битта. Табиатда истеъмол учун неки бор бўлса, тирик жонзот ўшанга мутеъдир. Шу боис жаҳон олимларини айни пайтда умумбашарий муаммо бўлиб қолган, халқаро тилда «демография» деб аталадиган масала ғоят ташвишга солмоқда. Зотан, сўнгги ўн бир йил мобайнида ер юзи аҳолиси бир миллиард кишига кўпайди. Жорий йилнинг октябрига бориб, дунё аҳолиси 6 миллиард кишига етади. 2025 йилда эса уларнинг сони салкам 8 миллиардни қоралаб қолади. Бу озми, кўпми? Аҳолишунос олимлар, иқтисодиёт мутахассислари, давлат арбоблари «бу жуда кўп» деб ҳисобламоқдалар. Нега?

Чунки, уларни, энг аввало, едириш, ичириш, кийинтириш, яшаш шароитлари билан таъминлаш зарур бўлади. Бу тадбирларни тўлиқ даражада амалга ошириш эса кундан-кунга мушкуллашиб бормоқда. Масалан, 1998 йил охири ва жорий йилнинг бошларида дунёнинг турли минтақаларида давом этган молиявий-иқтисодий бўҳронлар давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар олдида турган вазифаларни тобора қийинлаштирди. Жанубий-Шарқий Осиё, Шарқий Оврупо, Лотин Америка мамлакатларида умумий аҳвол ўта ёмонлашди. Иқтисодий соҳа сарф-харажатлари кескин қисқарди. Аҳолининг харид имкониятлари камайди. Оқибатда ижтимоий хизматлар идоралари эшиклари нафақат қашшоқлар, балки, ўртаҳол фуқаролар учун ҳам тақатақ бекилди. Бундай ҳолат туғилиш ва ўлим даражасининг номутаносиблигига олиб келди. Ўсиб келаётган ёш авлодга билим ва касб-ҳунар эгаси бўлиш учун шарт-шароитлар яратиб беришнинг ўзи бўлмаяпти. Ижтимоий, маданий, маърифий хизматлар кўлами тобора торайяпти. Тиббий кўмак бериш доираси одамларни қониқтирмай қўйди. Натижада, жамиятда ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, жиноятчилик авж олмоқда. Эркаклар ва аёллар тенглигини таъминлаш масалалари хусусида гапирилганда ҳам нохуш манзарани кўриш мумкин. Пировардида жамият тараққиёти путурдан кетмоқда.

1994 йилда Миср пойтахти Қоҳирада дунё аҳолиси ва унинг тараққиётига бағишланган Халқаро анжуман бўлиб ўтган эди. Ўтган беш йил оралиғида Қоҳирада қўйилган умуминсоний вазифалар тўлиқ адо этилдими, йўқми? БМТ каби нуфузли ташкилот маҳкамаларининг маълумотларига қараганда, Қоҳира вазифалари режалаштирилган даражада бажарилмади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқилганда бизнинг Ўзбекистонимизда ижтимоий тараққиёт ва унинг истиқболига доир умумий аҳвол ижобий манзара кашф этади. Саноат ишлаб чиқариши, энергетика, нефть-газ борасидаги юксалишлар, тайёрасозлик, автомобилсозлик сингари соҳаларда жаҳон бозорига чиқиш ва бошқа ютуқлар, қишлоқ хўжалиги, хусусан, ғаллачилик, пахтачиликда мустақилликни қўлга киритиш борасидаги саъй-ҳаракатлар узоқни кўра билишлик салоҳиятини англатади.

Зотан, умуммиллий фаровонлик, энг аввало, иқтисодиёт тараққиётига боғлиқдир. Шу маънода республикамизда Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари билан амалга оширилаётган саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий, маданий соҳалардаги ислоҳотлар кўнгилдаги натижаларни бермоқда. Муҳими шундаки, булар бир неча йилларни қамраб оладиган келажакни кўзда тутади. Аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш, кам таъминланган фуқаролар, серфарзанд оилалар манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш, соғлом авлодни вужудга келтириш, эркаклар ва аёллар ҳуқуқларини тенглаштириш, ёшлар ўқуви ва тарбиясига оид миллий дастурлар жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинди.

8 февралда бошланиб, 12 февралда ишини якунлаган, Гаага шаҳрида бўлиб ўтган аҳолишунослик ва тараққиёт муаммолари бўйича йиғинда дунё мамлакатлари парламентлари вакиллари қатнашдилар. Унда кўтарилган фикр-мулоҳазалар нуқтаи назаридан қаралганда ҳам бизнинг республикамизда бу борада амалга оширилаётган ишларга ҳавас билан қараш мумкин, десак муболаға бўлмайди.

400 ЙИЛДАН СЎНГ...

ЎЗАРО алоқалар бўйича фаолият кўрсатаётган Хитой-Португалия қўшма гуруҳи яхши натижага эришди. Икки ўртадаги битимга имзо чекилди. Унга асосан 400 йилдан буён Португалия қарамоғида бўлиб келган Макао 1999 йил 20 декабрь куни ярим тундан сўнг Хитойнинг тўла тасарруфига ўтадиган бўлди. Бундай аҳдномага босқичма-босқич эришилди, дейиш мумкин. 1987 йил апрелида Макаонинг Хитойга қайтарилиши тўғрисида Португалия ва Хитой ўртасида қўшма декларация имзоланган эди. Мазкур ҳудуд Хитой тасарруфига ўтгандан сўнг махсус маъмурий туман мақомини олади.

ЭНДИ ЙЎЛДОШЛАР УЧИРИЛАДИ

КОРЕЯ Халқ Демократик Республикаси сунъий йўлдошлар учиришни давом эттиради. КХДРнинг БМТдаги доимий вакили ўринбосари Ли Ген Японияннинг «Киодо цусин» ахборот маҳкамаси саволларига жавоб берар экан, юқоридаги фикрни таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, сунъий йўлдош учиришга ҳар қандай давлатнинг ҳаққи бор, шунинг учун келажакда Шимолий Кореянинг «Кванменсон-2» ва «Кванменсон-3» йўлдошларининг учирилишини табиий равишда қабул қилиш керак. КХДР АҚШ билан ўзининг ракета дастури борасида музокаралар ўтказишга тайёр, деди Ли Ген.

ДУНЁНИНГ ТУРЛИ ГЎШАЛАРИДА

ЮК МАШИНАСИГА ОРТИЛГАН ПУЛЛАР

➡ ЛИТВА божхоначилари Польша билан туташ чегарада олти тонна пул олиб кетаётган вильнюслик икки кишини тўхтатдилар. Улар тап тортмай «Олмонияга валюта олиб кетяпмиз. Уларни у ердан АҚШга жўнатамиз», дейишди. Ҳужжатлар ҳам жойида эди. Кейин маълум бўлишича, Гунтаутас Жяунис шериги билан ҳар бир чақа пулни уч центдан сотмоқчи бўлган эканлар. 230 минг дона бир центлик, 125 минг дона икки центлик, 500 мингта бир копейкалик рус тангалари, яна аллақанча қозоқ чақа пуллари юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

111 ЯШАР МОМО

➡ Майа Ротовиус Финляндиядаги энг кекса онахон ҳисобланади. У яқинда ўзининг 111га кирганлигини нишонлади. Энг қизиғи шундаки, Майа момо Россия императори Александр IIни бир неча бор кўрган эканлар. Майа бувй шу кунларда ўзининг эсдаликларини ёзиб тугатмоқда.

МЕҲР БАРЧАГА БАРОБАР

➡ ДЕНГИЗ қундузлари икки-уч йилда бир марта болалар экан. Улар ўз «арзандалари»ни олти ойгача қўксида кўтариб юрадилар. Олдиларидан жилдирмайдилар. Болакайлар кетса, жазоланади. Бола тарбияси билан машғул бўлган она қундузлар ҳеч қачон ўзаро уруш қилмайдилар. Ана сизга ҳаётбахш қудрат!...

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

МАЪНАВИЯТ РИШТАЛАРИ

МИСР ЁЗУВЧИСИГА ЭҲТИРОМ

ТОШКЕНТ Давлат Шарқшунослик институтида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда мисрлик машҳур драматург ва ёзувчи Тавфиқ ал-Ҳаким таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб кеча ўтказилди.

Унда институт ректори, профессор Неъматилла Иброҳимов, Миср Араб давлатининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Мамдуҳ Шавқий жаноблари ва Миср Араб Республикаси таълим вазири доктор Самиъ ал-Ҳаким ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар Тавфиқ ал-Ҳакимнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида, қолаверса, икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий, маданий, маърифий, сиёсий-иқтисодий алоқаларнинг тобора ривожланиб бораётганлиги ҳақида алоҳида тўхталишди.

Кечада институтнинг бешинчи курс талабаси Саида Мақсудова Тавфиқ ал-Ҳакимнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди. Тавфиқ ал-Ҳакимнинг асарлари жуда кўп тилларга, хусусан, инглиз, немис, ўзбек, рус, ҳинд тилларига таржима қилинган. У кўплаб ҳикоялар, шеърлар, пьесалар, романлар яратган. Ёзувчининг асарлари Ўрта ер денгизи давлатлари орасида биринчи бўлиб Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Талабалар Тавфиқ ал-Ҳакимнинг «Руҳнинг қайтиши» романи, «Қишлоқ терговчисининг кундалик ҳаёти» пьесаси асосида ‍араб тилида саҳна лавҳалари ижро этдилар, куй ва қўшиқлар янгради.

Кеча сўнггида Аброр Ҳидоятов номидаги театр жамоаси Тавфиқ ал-Ҳаким асари асосидаги «Ғаройиб оқшом» деб номланган спектаклни намойиш этдилар.

Дилафруз МУҲИДДИНОВА,
институтнинг иккинчи курс талабаси.

МУСТАҚИЛЛИК ЛУҒАТИ

«Шарқ» матбаа-нашриёт концернида «Мустақиллик» деб номланган изоҳли илмий-оммабоп луғат нашр этилди. Республика ёшларининг «Камолот» жамғармасида ушбу янги луғатнинг тақдимот маросими бўлди. Унда мамлакатимизнинг жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли олимлар, мухбирлар иштирок этди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ҳаётимизда кўп янги тушунча ва иборалар пайдо бўлди, деди тақдимотни очар экан, «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Х. Абдураимов. Бу луғат етти йил мобайнида жамиятимиз сиёсатининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида юз бераётган улкан ўзгаришлар туфайли юзага келди.

Янги луғатнинг чоп этилиши жуда муҳим ва долзарб воқеа, дейилди тақдимот маросимида. Бу китоб мамлакатимизда ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида иштирок этаётган барча кишилар учун қимматли ёрдам кўрсатади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Бўка туманида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш даражаси анча яхшиланди. Қишлоқ дўконларида республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорида қайд этилганидек, саккиз хил озиқ-овқат маҳсулотларининг доимий бўлиши таъминланмоқда. Бу ишга мутасадди ташкилот — туман матлубот ҳиссадорлик жамияти ташаббуси билан савдо тармоқлари сони кўпайтирилди. Уларга ўз соҳасини пухта эгаллаган, харидорлар эҳтиёжини ҳисобга олиб иш юритадиган хушмуомала кадрлар жалб этилди. Ҳозирги пайтда туманда 117та дўкон орқали 94 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатилмоқда.

Мазкур йилда туманда хусусий дўконлар очишга ҳам алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, матлубот жамияти дастуридан кўкламги экиш, пахта йиғим-терими мавсумларида кўчма савдо ташкил этилиб, пахтакорларга ўз жойларида хизмат кўрсатишни режалари ҳам ўрин олган.

Суратларда: (юқоридан пастга) жамиятга қарашли 2-кундалик эҳтиёж моллари дўкони сотувчиси Мақсуд Қодиров савдо пайтида; дўконнинг ташқи кўриниши.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ТАРИХЧИЛАР ЖАМИЯТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

ТЕМУРИЙЛАР тарихи давлат музейида Ўзбекистон тарихчилари жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли идора ва ташкилот вакиллари, тарихчи олимлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчи-профессорлари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимиз фуқаролари онгида янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришда тарихнинг аҳамияти беқиёс эканлигини таъкидладилар. Мазкур жамиятнинг асосий вазифаси ягона миллий ғоя — миллий мафкурани яратишга кўмаклашишдан иборатлиги кўрсатиб ўтилди. Юртимизнинг ҳаққоний тарихини яратиш, буюк аждодларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини холисона баҳолаш ва тарғиб қилиш, шу асосда ёшларни тарбиялаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда жамиятнинг низоми қабул қилинди. Таниқли олим Ашраф Аҳмедов жамият бошқаруви раиси этиб сайланди.

Ўктам ДЎСТЁР,
ЎзА мухбири.



*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИСЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

ТОШКЕНТДАГИ «Юнусобод» спорт мажмуида теннис бўйича Дэвис кубоги учун Осиё ва Океания зонаси биринчи гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон ва Покистон командалари ўртасида халқаро мусобақа тугади.

Ўзбекистонлик Олег Огородов билан покистонлик Айсам Ул Ҳакам Куреши ўртасидаги учрашув ғоят жўшқин ва қизиқарли ўтди. Олег дастлабки икки турда 6/4, 6/3 ҳисобида ғалаба қозониб, учинчи турда рақибига 3/6 ҳисобида ютқазди. Покистон чемпиони, 1998 йилда ўсмирлар орасида энг яхши ўйинчи деб топилган Айсам ўйиннинг боришини ўз фойдасига ўзгартиришга муваффақ бўлди.

Бироқ Олег ҳам бўш келмади, тўртинчи турда рақибини 6/1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Вадим Куценко Муҳаммад Ҳолиқни мағлуб этди (ҳисоб: 6/0, 6/2).

Жуфтлик учрашувларида Олег Огородов билан Дмитрий Томашевич Айсам Ул Ҳакам Куреши ва Муҳаммад Ҳолиқни мағлубиятга учратишди (ҳисоб: 7/5, 6/1, 7/5).

— Биз Ўзбекистон командасига ютқаздик, мен эса Олег Огородовга ўйинни бой бердим, шунга қарамай Тошкентдан яхши кайфият билан жўнаб кетяпмиз, — деди хайрлашув чоғида Айсам Ул Ҳакам Куреши. — Теннис оламида ўзбекистонликларнинг обрўси анча юқори туради. Сўнгги йилларда сезиларли ютуқларга эришаётган Олег Огородов билан учрашув менга имкониятларимни синаб кўриш учун қулай шароит бўлди.

Ўзбекистон «Президент кубоги» учун халқаро мусобақада иштирок этиш ниятим бор, шу жиҳатдан ҳам Олег билан учрашув мен учун фойдали бўлди.

Тошкентликлар, айниқса, Тошкент ёшлари меҳмондўстлиги, очиқ кўнгиллиги билан бизни хурсанд қилишди, ўзбекистонлик спортчилар билан учрашув чоғида пойтахтингиз ёшлари теннисининг ғўзаллигини нозик ҳис эта олишларига ишонч ҳосил қилдим. Хуллас, мамлакатингизга яна келиш орзусидаман.

Шундай қилиб, Ўзбекистон командаси навбатдаги давра ўйинларида Ливан ва Япония командалари ўртасида бўладиган мусобақа ғолиби билан учрашади.

(ЎзА).

АЛЕКСЕЙ ИСАЕВ ТОШКЕНТ ЧЕМПИОНИ

Пойтахтимиздаги Республика шахмат-шашка клубида икки ҳафта давомида Тошкент чемпионатининг финал турнири бўлиб ўтди. Унда 70дан ортиқ шахматчи иштирок этди. Турнир Швейцар тизимида ўтказилди.

Мусобақада 9 ўйиндан 8 очко тўплаган Алексей Исаев биринчи ўринни эгаллади ва чемпионлик унвонини қўлга киритди.

Турнирда иккинчи ўринни қўлга киритган Вячеслав Трошчихин (7,5 очко), Аҳмаджон Эркабоев ва Сергей Федянин (7 очко), ҳамда 6,5тадан очко тўплаган Акром Тошхўжаев, Александр Семёнов, Раҳим Пўлатов, Эдуард Бакировлар пешқадам билан бирга республика биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Солиқ тизимида

ЯШИРИЛГАН ДАРОМАДЛАР ҚАНИ?

МУЖМАЛРОҚ ишлар одатда катта суриштирувчи Асадулла Акромовга топшириларди. Унинг билими, тажрибаси етарли. Қилни қирқ ёрадиганлар хилидан. Кўп жиноий ишларни очиб, ҳақиқатни юзага чиқарган. Бу гал ҳам шундай бўлди. «Маъмура — 1» хусусий корхонаси билан шуғулланиш унинг зиммасига юкланди.

Ҳамма иш вино заводидаги пост инспектори Зокир Ҳайитматовнинг қўнғироғидан бошланди. Ўша куни «Маъмура—I» хусусий корхонаси нозири бир машина винони заводдан олиб чиқиб кетаётганида Зокирда шубҳа туғилди: бу корхона рўйхатдан ўтганми ёки йўқми. Шуни билиш учун у туман давлат солиқ инспекциясига қўнғироқ қилди. Рўйхатдаги корхоналар бу ерда бирма-бир кўздан кечириб чиқилганда, негадир, «Маъмура — 1» хусусий корхонаси кўринмади. Шундан сўнг Асадулла ишни бошидан бошлади.

Маълум бўлишича, корхона ҳокимликда рўйхатдан ўтибди-ю, лекин, солиқ инспекциясини четлаб, фаолиятини бошлаб юборибди. Ўтган йили у жамоа хўжаликларига 8 миллион сўмлик олтингугурт, қишлоқ хўжалиги машиналарининг эҳтиёт қисмларини етказиб бериб, қаттагина даромад қилибди. Лекин, даромаддан бир сўм ҳам солиқ тўламабди.

Текширув пайтида корхона рахбари Маъмура Акбарова ўзини гўлликка солиб, ҳамма айбни иш юритувчи ҳисобланган умр йўлдоши Абдуғани Раҳимхўжаевга тўнкади. Илгари савдо тизимида ишлаб топган даромадини яширганлиги учун бир марта судланган ҳам эди. Лекин, ўша жазо сабоқ бўлмаган эканми, яна эр-хотин тил бириктириб, даромадни яширишга жазм этишибди.

Суриштирув давомида яна янги-янги сирли ҳаракатлар маълум бўляпти. Молиявий бузилишларнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур ўрганилиб, тегишли хулосалар чиқарилиши аниқ.

Паркент тумани давлат солиқ инспекцияси суриштирувчиси Асадулла Акромов яқинда солиқ тўлашдан бўйин товлаб юрган яна бир корхонанинг сирини фош этди. «Ғурур» кичик корхонаси рахбари Абдумутал Абдужалилов 1996 йилда даромаддан солиқ тўламаганлиги учун энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида маъмурий жарима тўлаган эди. Лекин, у берилган жазодан етарлича хулоса чиқармай яна даромадни яширишга киришган экан. Ўтган йили текширув ўтказилганида 25 минг сўм солиқ бюджетга тўланмаганлиги маълум бўлди. Дарҳол тўпланган материаллар расмийлаштирилиб, туман судига оширилди. Суд уни 2 йил ахлоқ тузатишга ҳукм қилди.

Туман солиқ инспекцияси ходимлари бошқа соҳаларни ҳам каттиқ назорат остига олганлар. Улар аҳоли билан ҳисоб-китобда назорат касса машиналаридан фойдаланишнинг аҳволини, айниқса, синчковлик билан текширмоқдалар. «Экосан» жамғармасига қарашли дорихона мудири Махмуд Ҳасанбоев ва «Мария» кичик корхонаси рахбари Маъмур Ашурматовнинг хавфсаласизлиги билан дўконда назорат касса машиналари ўрнатилмай келаётган эди. Дастлаб солиқчилар уларни огоҳлантиришди, сўнг жаримага тортишди. Энди эса иш судга оширилди.

Суд қарори билан М. Ҳасанбоев яна каттагина миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди. М. Ашурматов эса бир йил ахлоқ тузатишга ҳукм қилинди. Ўтган йили туман солиқчилари тўплаган материаллар бўйича 9та жиноий иш кўзғотилди. 430 кишидан маъмурий жарима тариқасида 1 миллион 873 минг сўм ундириб олинди. 5та иш прокуратурага, 41та иш судга оширилиб, қонунбузарларга нисбатан тегишли жазолар берилди.

— Туманимиз солиқчилари ҳамма соҳада қонун устуворлигини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар, — дейди давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ғайрат Абдувоҳидов, — ўтган йили режалаштирилган 340та корхона ва ташкилотда хужжатлар асосида текшириш ўтказиб, уларнинг 203тасида солиқ қонунчилиги бузилганлигини, 61 ҳолатда даромад яширилгани маълум бўлди. Текширишлар якуни бўйича бюджетга 9 миллион 264,6 минг сўм қўшимча ҳисобланди. Хато ва камчиликларга йўл қўйган 264 нафар мансабдор, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркор ва тижоратчилар ҳам солиқчилар назорати остига олинган. Паркент вилоятида 675 нафар тадбиркор рўйхатдан ўтган. Улар фаолияти вақти-вақти билан текшириб борилянпти. Ўтган йили қонунбузарликка йўл қўйган 166 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларга 466,6 минг сўм жарима солинди. Ҳар соҳада ишлар қатъиятлик билан олиб борилаётганлиги учун ҳам тахминий кўрсаткичлар ойма ой ортиғи билан адо этиб келиняпти.

Паркентлик солиқчилар дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўлган корхона ва ташкилотлар билан алоҳида иш олиб бормоқдалар. Ўтган йили улар бюджет олдида қарздор бўлган 510та корхона ва ташкилотга талабномалар тарқатиб, 150 миллион 300 минг сўм бокимандалик маблағларини ундириб олдилар. Тўлов қобилиятига эга бўлмаган 14та корхона ва ташкилотнинг 3,6 миллион сўмлик мол-мулки эса хўжалик суди қарори билан очиқ савдога қўйилди. Уларнинг бир қисми сотилиб, бюджетга ўтказилди.

Жасур НОСИРОВ.

Шифокор огоҳлантиради

АСОРАТИ ОҒИР ДАРД

КАСАЛЛИКНИНГ енгили бўлмайди. Агар унинг олди олинмаса, бепарволикка йўл қўйилса ҳар қандай дард ҳам инсон ҳаётига хавф солиши мумкин.

Кўплар оғир шамоллашга, грипп‍га чалинганларида «ўтиб кетади» деб ўзларига лоқайд муносабатда бўладилар. Иситма чиқиб туриши, лоҳасликка қарамай тирикчиликка уриниб кетаверадилар. Ваҳоланки, шифокорлар аҳоли орасида саломатликка бундай бефарқ бўлмаслик ҳақида ҳар йили суҳбатлар ўтказишади. Газета, телевидение, радио орқали маслаҳатлар, тавсиялар берилади. Хасталикнинг хавфсизлиги таъкидланади. Шунга қарамай, ҳамон лоқайд кишилар борлигига ҳайрон қоласан, киши.

Грипп юқувчанлик хусусияти билан қисқа муддат ичида бир неча кишини ўз домига тортишини ҳеч қачон унутмаслик керак. Касаллик кун бир исиб, бир совиб турган пайтда, айниқса, кенг авж олиши кўп бора кузатилган. Яқиндагина «ойнаи жаҳон»да бу дард Россиянинг қатор вилоятларида тарқалиб, ҳатто қатор кишилар ҳаётдан кўз юмганлиги ошкора айтилди. Бундан хулоса чиқариб олиниши керак. Ахир тижорат ишлари билан бу мамлакатга қатнаётганлар хасталик вирусини олиб келмасликларига ким кафолат беради. Шу боисдан ҳам эҳтиёт чораларини кўриб қўйиш, касаллик ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим.

Грипп вируслари турлича бўлади. Уларнинг ҳар бири ташқи муҳитга чидамсиз. Аммо бемор билан мулоқот чоғида тез юқади. Дард тўсатдан бошланади, эт увишади, иситма кўтарилади. Тана мускуллари зиркирайди. Икки чекка лўқиллаб, бошда оғриқ пайдо бўлади. Тумов, умумий ҳолсизлик мадорни қуритади.

Хасталик унга қарши курашувчи қувватлари заиф бўлгани учун болалар ва кексаларни осонроқ енгади. Гриппга чалинган бемор муолажаларни тўлиқ олмаса у ўпка шамоллаши, бронхит, отит, нефрит, полиартрит каби асоратлар қолдиради.

Бу дарддан фориғ бўлиш учун озодаликка, шифокор тавсияларига алоҳида риоя этиш керак. Бемор ётган хонани шамоллатиб туриш, исириқ тутатиб микробларни йўқотиш, пол ва чангли жойларни 0,5 фоизли хлорамин эритмаси билан артиб туриш лозим. Беморнинг сочиғи, идиш-товоқлари алоҳида бўлиши керак. У тўрт қаватли докадан тайёрланган оғизтутқичдан фойдаланиш зарур. Малина, смородинали, лимонли чойларни бот-бот ичган, суюқ овқатлар, тухум, сут маҳсулотларини, ҳўл мева ва сабзавотларни истеъмол қилган бемор касалликдан тезда фориғ бўлади. Қайта ишланган қалампирли ванна ҳам нафас йўлларини бўғлаш, нафтизин, пиносол каби томчи дорилар, шунингдек, доривор ўсимликлар яхши ёрдам беради. Антибиотиклардан фойдаланишни тавсия этмаймиз, акс ҳолда қувват заифлашиб касаллик даври узайиши мумкин. Иситма туширувчи дорилардан эса фойдаланса бўлади.

Нигора ҚУШНАЗАРОВА,
вилоят саломатлик маркази шифокори.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар беришларича, 17-21 февраль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим ҳудудларда ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 7-12 даража, кундуз кунлари эса 15-20 даража атрофида илиқ бўлади. Шу даврнинг иккинчи ярмида ҳарорат кўтарилиб, 27 даражагача иссиқ бўлиши мумкин.

ФИРМА ёғочсозлик цехига МАЛАКАЛИ ДУРАДГОРНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
Телефон: 67-71-77,
8.00дан 17.00гача.

КАПИТАЛ ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАСИ СОТИЛАДИ.
Телефон: 67-71-77,
8.00дан 17.00гача.

Юқоричирчиқ туман «Суръат» — «Қарқин» газетаси жамоаси газета бош муҳаррири Саидмахмуд Абдуллаевга акаси **Муҳаммадолим Убайдуллаевнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУҲАММАДОЛИМ УБАЙДУЛЛАЕВ

Бешафқат ўлим чин инсон, истеъдодли мутахассис, тадбиркор рахбар, бағри кенг дўст — Муҳаммадолим Убайдуллаевни орамиздан бевақт олиб кетди.

Муҳаммадолим Убайдуллаев 1943 йили Ўртачирчиқ туманидаги «Роватак» қишлоғида таваллуд топди. 1960 йили ўз меҳнат фаолиятини шу тумандаги «Роватак» (собиқ Терешкова номли) жамоа хўжалигида ҳисобчиликдан бошлади. 1966 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлагач, «Роватак» жамоа хўжалигида 1973 йилгача ҳосилот ва бош ҳосилот бўлиб ишлади. 1976—1981 йилларда туман қишлоқ хўжалик бошқармасида бош ҳосилот ва бошқарма бошлиғи лавозимларида ишлади. 1984—1992 йилларда «Ўзбекистон» (собиқ Куйбишев номли), «Ҳақиқат» (собиқ «Ленин йўли»), ва «Қайтмас» хўжаликларига раислик қилди. 1992 йилдан буён эса «Роватак» жамоа хўжалиги раиси лавозимида ишлаб келаётган эди.

М. Убайдуллаев қайси лавозимда ишламасин, қайси хўжаликка рахбарлик қилмасин, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвонига муносиб иш қилиб, жамоани илғорлар сафига олиб чиқди.

У нафақат қишлоқ хўжалигининг билимдон ходими, тадбиркор рахбар, шу билан бирга меҳрибон дўст, фазилатли инсон ҳам эди.

Қисқа, аммо кўпчилик учун ибрат бўларли умр кечирган дўстимиз Муҳаммадолим Убайдуллаевнинг хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-092. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Муззаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 11.580 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 205 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 24.00. 1 2 3 4 5